

"Алишер Навоий: қомусий лугат" китобининг тақдимоти ўтказилди

02 июн 2016



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий қутубхонасида “Алишер Навоий: қомусий лугат” китобининг тақдимоти ўтказилди. Унда олимлар, ёзувчи ва шоирлар, адабиёт ихлосмандлари иштирок этди.

Икки жилдли “Алишер Навоий: қомусий лугат” китоби “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан нашр этилган. Унда Алишер Навоий ҳаёти, асарлари, поэтикаси, образлар олами, устозлари ва замондошлари ҳақида мухтасар маълумотлар берилган.

Лугатда мақолаларнинг номлари, истилоҳлар қисқа ва лўнда, тушунарли шаклда берилган. Тадқиқот мазмун-моҳиятини белгилашда миллий қомусчилик ва жаҳон тажрибасидан фойдаланилган.

Тақдимотда Навоий ижодида маърифат талқини, бадий матн ва нашр муаммолари, устоз-шогирд муносабатлари, алломанинг асарларига бағишланган мавзуларда маърузалар тингланди.